

МАВЗУ: “ЕР ФОНДИ ВА ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ” ДАСТУРИЙ МАҲСУЛИ

РЕЖА

1. Дастурий маҳсул жорий қилинишининг мақсадлари
2. Дастурий маҳсулнинг афзалликлари
3. Дастурий маҳсулга киритиладиган бирламчи маълумотлар
4. Дастурий маҳсулдан ҳисобот шаклларини олиш имкониятлари
5. Дастурий маҳсулнинг самарадорлиги

Тузувчи: “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси катта ўқитувчиси
Ш.Р.Джуманиязов

“Ер фонди ва ер солиғи ҳисобини юритиш” дастурий маҳсули Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 20 августдаги 195-сонли буйруғи билан солиқ хизмати органларида амалиётга жорий этилган.

Дастурий маҳсул “Ергеодезкадастр” қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, “Ергеодезкадастр” қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан ер майдонлари эга бўлган юридик шахслар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар киритилиб, солиқ хизмати органлари электрон кўринишда (почта файллари орқали) тақдим этилади.

Дастурий маҳсулнинг ДСИ модулиги ушбу почта файллари қабул қилиниб автоматик равишда ер солиғи ҳисобланади.

1. Дастурий маҳсул жорий қилинишининг мақсадлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамкорлигида 2006 йилнинг 14 августида тасдиқланган техник топшириққа асосан:

- ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларида ер фонди ҳамда ер эгалари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ юритиш ва уларни электрон почта алоқаси орқали солиқ идораларига тақдим этиш;

- солиқ идораларида автоматик равишда қабул қилинган маълумотлар асосида ер эгаларига тегишли ер солиғини автоматлашган ҳолда ҳисоблаб чиқариш ва ҳисобини юритиш белгиланган.

Дастурий маҳсул ер солиғи тўловчилар бўйича Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларидан ер эгалари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда солиқ идораларига олиб, ер солиғи тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар билан солиштирган ҳолда Солиқ кодексига асосан камерал назоратни амалга ошириш мақсадида жорий қилинган.

2. Дастурий маҳсулнинг афзалликлари

- «Ергеодезкадастр» қўмитаси бўлимлари томонидан ер майдонлари тўғрисида киритилган маълумотлар ДСИлар томонидан автоматик равишда почта файли орқали қабул қилинганда, фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган ягона ер солиғи ҳисоб-китобларига нисбатан солиштирилиб, камерал назорат амалга оширилади;

- ДСБлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар чоракли бўлиб, ҳисоботлар асосида қуйи солиқ органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳо бериш фақат ҳисобот чораги тугагандан сўнг, кейинги ойнинг 25 санасига келиб амалга ошириш мумкин эди. Дастурий маҳсул асосида эса, ҳар ойда қуйи солиқ органлари устидан назоратни амалга оширилади;

- ер солиғи бўйича белгиланган башорат кўрсаткичларини таъминлашда солиқ манбаларидан хабардор бўлиб туриш;

- ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш учун Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига ва унинг қуйи бўлинмаларига ортиқча расмий мурожаатларни камайтиради.

3. Дастурий маҳсулга киритиладиган бирламчи маълумотлар

Дастурий маҳсулга бирламчи маълумотлар дастурий маҳсулнинг Ер ресурслари ва давлат кадастри модули орқали, Ер ресурслари ва давлат кадастри ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан киритилиши мўлжалланган.

Хусусан, дастурий маҳсулга ер майдонларига эга бўлган юридик шахсларнинг ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер майдонлари (гектар ҳисобида), уларнинг балл-бонитетлари, қишлоқ хўжалик ерларининг норматив қийматлари 1 гектар учун минг сўм ҳисобида киритилади.

Шунингдек, дастурий маҳсулнинг ДСИ модулида Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларидан олинган почта файллари қабул қилиниб, ер солиғидан имтиёзга эга бўлган юридик шахсларнинг имтиёзлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

4. Дастурий маҳсулдан ҳисобот шаклларини олиш имкониятлари

Ер солиғи тўловчиларини эгаллаган ер майдонлари, ҳисобланган ягона ер солиғи, тўланган, ортиқча тўлови, солиқ қарзи ва имтиёз суммалари бўйича дастурий маҳсулнинг ДСИ, ДСБ ва ДСҚ поғоналарида:

- ҳар бир фермер хўжалиги томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларига нисбатан дастурий маҳсулда ҳисобланган ягона ер солиғи бўйича солиштирма маълумот;
- фермер хўжаликларида ҳисобланган ягона ер солиғи, тўланган суммаси, солиқ қарзи ва ортиқча тўловлар;
- ягона ер солиғидан имтиёзга эга бўлган фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар;

Қайд этилган маълумотларни:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида;
- вилоят бўйича туманлар кесимида;
- туман бўйича фермер хўжаликлари кесимида маълумотларни олиш.

5. Дастурий маҳсулнинг самарадорлиги

Республика бўйича фермер хўжаликлари томонидан давлат солиқ органларига тақдим этилган ягона ер солиғи ҳисоб-китобларига асосан жами 107592,1 млн.сўм ягона ер солиғи ҳисобланган бўлиб, кадастр модулига киритилган ер майдонлари ва норматив қийматлар асосида автоматик равишда 108950,8 млн. сўм солиқ ҳисобланди.


Дастурий маҳсул жорий этилгандан сўнг, уни ишлатилишидан фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган ягона ер солиғи ҳисоб-китобларига нисбатан ер ресурслари ва давлат кадастри идораларидан олинган маълумотлар асосида дастурий маҳсулда ҳисобланган солиқ суммаси таққосланганда жами 1358,7 млн. сўм ягона ер солиғи бўйича қўшимча фарқ аниқланди.

Юқоридаги камерал назорат жараёнида тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва «Ергеодезкадастр» қўмитаси ҳудудий бўлимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар ўртасида аниқланган фарқ суммалар бўйича Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан талабномалар юборилиб, қайта ҳисоб-китоб ёки аниқланган фарқ суммаларини асословчи ҳужжатлар олинган.

Дастурий маҳсулнинг самарадорлиги

№	Худудлар номи	ШХВдан олинган маълумотларга кўра	Дастурий маҳсулдан олинган маълумотларга кўра	Фарқи (+;-)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2851,3	2851,3	0
2	Андижон вилояти	11701,8	12007,1	-305,3
3	Бухоро вилояти	6056,3	6396,0	-339,7
4	Жиззах вилояти	6088,5	6088,5	0
5	Қашқадарё вилояти	8805,3	9145,9	-440,6
6	Навоий вилояти	2674,9	2674,9	0
7	Наманган вилояти	9979,1	9979,1	0
8	Самарқанд вилояти	12217,2	12217,2	0
9	Сурхандарё вилояти	12642,3	12642,3	0
10	Сирдарё вилояти	5632,9	5906,2	-273,2
11	Тошкент вилояти	12212,6	12212,6	0
12	Фарғона вилояти	9196,1	9196,1	0
13	Хоразм вилояти	7533,6	7533,6	0
	Ж А М И	107592,1	108950,8	-1358,7

Дастурий маҳсулнинг самарадорлиги



■ - ШХВдан олинган маълумотларга кўра ■ - Дастурий маҳсул маълумотларга кўра

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ !